

# ШАРТНОМА № 21

Мархамат ш.  
(контракт тузилган жой)

«3» ноябрь 2022 й  
(контракт тузилган сана)

Бундан бүён «БҮЮРТМАЧИ» деб аталувчи Мархамат ТТБ номидан низом асосида фаолият олиб борувчи раҳбари 3.Умаров бир томондан ва бундан бүён «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» деб аталувчи "Tursunboy mebellar olami" МЧЖ номидан низом асосида фаолият олиб борувчи раҳбари Т.Сойибжонов бошка томондан, ушбу контрактни куйидагилар тургисида туздилар.

## 1. КОНТРАКТ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу контрактта асосан Буюртмачи товарни кабул килади ва тулайди. Етказиб берувчи эса куйидаги шартларга мувофик етказиб беради:

№	Товарларнинг номи	Лот раками	Улчов бирлиги	Микдори	Бирлик маҳсулот нархи	Умумий суммаси
1.	Диван беморлар ётиши учун		дона	10	1 250 000.0	12 500 000.0
2.	Столь бир тумбали		дона	15	950 000.0	14 250 000.0
3.	Тумба		дона	10	290 000.0	2 900 000.0
4.	Штатив		дона	14	140 000.0	1 960 000.0
5.	Муолаж столи		Дона	32	280 000.0	8 960 000.0
Жами:						40 570 000.0

1.2. Шартнома умумий суммаси 40 570 000.0 (Кирк миллион беш юз етимиш минг сум).

## 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. «Буюртмачи» мазкур контрактни газначилик булинмасида руҳхатга олинган кундан бошлаб 5 календарь куни ичига конунчиликка мувофик контракт умумий суммасидан 30 % микдорида (шартнома суммасидан 30% микдорида) олдиндан тулаш мажбуриятини олади, колган 70% ни товарни олгандан сунг 10 календар куни ичига кабул килиши-топшириш далолатномаси, хисоб-фактура ва в.б. асосида тулайди.

2.2. «Етказиб берувчи» аванс маблаглари Етказиб берувчининг тегишли хисобварагига келиб тушган вактдан бошлаб 10 календар куни ичига товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. «Етказиб берувчи» амалдаги ГОСТ га мувофик товарни етказиб берishi шарт.

2.4. «Буюртмачи» товарларни кабул килишда «Етказиб берувчи» иштиро кида олинаётган товарларнинг туликлигини ва сифатини шартномада кузда тутилган бошка талабларга мувофиклигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур контракт билан бошка холлар кузда тутилмаган булса, товарларни ташиш ва тушириш буйича барча харажатлар Етказиб берувчи хисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кура товар муддатидан олдин етказиб берилниши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома буйича кабул килинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати курсатилади.

2.8. Мазкур контрактда кузда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур контрактга мувофик амалга ошири лади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг хукуклари:

Етказиб берувчидан Контрактни бажариш учун зарур булган давлат стандартлари ва бошка меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;

Буюртмачи хисобидан товарлар ташиб келтирилганда Етказиб берувчидан транспорт харажатларини коллаб беришни талаб

килиш агар мазкур контрактнинг шартларида бошка холлар белгиланмаган булса;

Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомага кура мазкур контрактга мувофик тегишли сифат, ассортимент буйича товарларни етказиб беришни талаб килиш;

Сифатсиз товар етказиб бери лганда уз ихтиёрига кура куйидагилардан бирини талаб килиш;

-тегишли сифатдаги шунга ухшаш товар билан алмаштириб бериш;

-камчиликларни и бегараз бартарф этиш;

-Етказиб берувчидан мазкур контракт шартларини бажармаган лиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни коплаб беришни талаб килиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

-товарларнинг кийматини мазкур контрактда белгиланган нархда ва муддатда тулаш.

3.3 Етказиб берувчи куйидаги хукукларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тулов ва етказиб берилган товарлар учун якуний хисоб - китобларни Узбекистон Республикасинин г амалдаги конунчилигига кузда тутилган тартибда ва хажмларда амалга оширишни талаб килиш; -Буюртмачидан шартнома шартларига мувофик етказиб берилган товарларни асоссиз равища кабул килмаслик натижасида етказилган заарларни коплаб беришни талаб килиш.

### 3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

-Буюртмачига товарларни мазкур контракта мувофик белгиланган муддатда, микдорда ва сифатда етказиб бериш; -агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи контракт шартлари ва меъёрлардан ва ёки Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига четта чикишга йук куйган холларда Буюрмачининг талаби буйича З-кун муддат ичига барча аникланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур контракт белгиларган тартибда мазкур контракт шартлари ва талаблари ва Узбекистон Республикаси амалдаги конунчилигига мувофик ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар уз зиммаларига олган барча мажкоурнятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда контракт бажарилган хисобланади.

## 4.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

### 4.1. Буюртмачи:

-Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равища рад этганлик учун сотиб оловчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (уз муддатида олинмаган) товарлар кийматининг 5 фоизи микдорида, тез бузиладиган товарлар буйича эса 10 фоиз микдорида жарима тулайди.

-Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) холларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташкари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган холда, танлаб олинмаган (уз муддатида олинмаган) товарлаб киймати тўланишини талаб килишга хаклидир.

-Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равища бутунлай ёки кисман рад этганлик, шунингдек хисоб-китобнинг бошка шаклларида товарлар хакини тўлашдан бош тортганлик (ғазначилик органларига тўлов топширикномасини тақдим кильмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи микдорида жарима тўлайди.

-Етказиб берилган товарлар хакини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

### 4.2. Етказиб берувчи:

- микдор, сифот, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиклиги;

- шартнома шартларининг бошка бузилишлари;

- тузиленганинг шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради;

- Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) конун хужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиларган бошка мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб оловчи (буюртмачи) товарларни кабул килиш хамда уларнинг хакини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар хаки тўлаб кўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда кайтаришни талаб килишга хаклидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

- Товарларни етказиб бериш муддатлари кечикириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб оловчига (буюртмачига) кечикирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечикириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, окибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

- Марка белгиси кўйилмаган ёки лозим даражада маркировка килинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб оловчига (буюртмачига) бундай товарлар кийматининг 5 фоизи микдорида жарима тўлайди. Товарлар кабул килингандан кейин янга жўнатилиши ёки сакланиши керак бўлган холларда сотиб оловчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташкари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи хисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шахардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб килишга хаклидир.

## 5.НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1.Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиккан тақдирда, томонлар, кондаги кўра, мустакил равища уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни хал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат килишга хаклидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат килган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чикилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслигини холатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) холатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан кисман ёки тўлик озод бўладилар.

6.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) холатларида томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлик бўлмаган табият ходисалари (зилзила, кўчки, бўрон, курғокчилик ва бошкалар) ёки ижтимоий-иктисодий холатлар (уриш холати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни такидаш ва бошкалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга кабул килинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавкулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган холатлар киради.

6.3. Шартнома томонларидан кайси бири учун мажбуриятларини енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) холатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дархол иккинчи томонга бу хақда 10 кун ичдида ушбу холатлар харакати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро килиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) холатлар давом этиш муддатига кадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортикрок давом килса, томонлар ташабуссига биноан шартнома бекор килиниши мумкун.

## 7.БОШКА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси конунлари билан тартибга солинади.

## 8.КОНТРАКТНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур контракт ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. “31” декабригача амал килади.

8.2. Контрактнинг амал килиши бир томоннинг ташабуссига кўра ой (бир) давомида бошка томонга ёзма ариза тоаширган кундан бошлаб, барча ўзаро хисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхталиши мумкун. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган холларда контракт бажарилган хисобланади.

8.3. Контрактнинг амал килиш муддатини тугаши томонларни жавобгарлиқдан озод килмайди.

## 9.ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

“Етказиб берувчи”

“Буюртмачи”

“Tursunboy mebellar olami” МЧЖ

Марҳмат ТТБ

Манзил: Марҳамат ш Дукчи Эшон МФЙ, Довон кучаси,  
Тел :  
x/p: 2020 8000 9055 4020 1001  
МФО: 00955

Манзил: Марҳамат ш Ипак йўл №1  
Тел./факс \_\_\_\_\_  
ш/х 100022860032277073101054001

Банк номи: МАРХАМАТ Т., "ТИФ МИЛЛИЙ БАНКИ" АЖ  
МАРХАМАТ ФИЛИАЛИ

СТИР 200 286 454 ОКОНХ 91 511

Ғазначилик бўлинмаси номи:

100022860032277073101054001

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк XKKM Тошкент  
бў

МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИР: 201 122 919

Рахбар  З.Умаров



Т.Сойибжонов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

ZZ5857726055

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Mahsulot etkazib berish to'g'risida**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Marhamat tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 03.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Marhamat tumani  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**Z.Z.IKRAMOV**

07.11.2022